

**Ж.Ж.Эгамбердиев**

## **ЛУҒАТЛАР СЎЗЛИГИ ТАРКИБИ ШАКЛЛАНИШИДА ТЕРМИНЛАР МУАММОСИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада филологик-изоҳли луғатлар сўзлиги таркиби шаклланишида терминларнинг роли, термин ва умумистеъмолдаги сўзларни фарқлаш, соҳалар бўйича луғатлар таркибида терминларнинг кодификация қилиш тамойиллари муҳокама қилинади. Термин тушунчасига ойдинлик киритилади. Мақолада “тушунча”, “изоҳ” ва “дефиниция” сўзларига таъриф берилади. Энциклопедик ва терминологик луғатларнинг сўзлик танлашдаги умумий ва фарқли хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилади.

### **КИРИШ**

Ҳозирги даврнинг кўзга ташланувчи хусусиятларидан бири мисли кўрилмаган даражада тез ривожланаётган фан-техника йўналишлари қаторида иқтисодий, савдо-сотик, хизмат кўрсатиш тармоқларининг миллий ҳамда халқаро миқёсда тармоқланишидир. Натижада кенг миқёсда ривож топаётган илмий-амалий соҳа йўналишларининг терминлар “дунёси” янги-янги тушунчалар ва атамалар билан бойиб бормоқда. Уларнинг сони баъзи бир тараққий этган мамлакатлар тилларида юз минглаб эмас, балки, миллионлаб кўрсаткичга эга бўлмоқда.

Шу ўринда бир қатор саволлар туғилади:

- Терминларни кодификациялаш қайси луғат турларида амалга оширилиши зарур?
- Филологик-изоҳли луғатлар сўзлигида уларнинг салмоғи қандай?
- Соҳа терминологик луғатлари таркиби сўзлиги қандай шакллантирилади?
- Энциклопедик ва терминологик луғатларнинг сўзлик танлашдаги умумий ва фарқли хусусиятлари қандай?

Бу каби саволларга жавоб топиш учун даставвал термин тушунчасига ойдинлик киритишимиз талаб этилади. Чунки терминни изоҳлаш, тушунчани дифениция қилиш, шарҳлаш демақдир.

Таъкидлаш лозимки, “термин”, “номен”, “номенклатура” масалалари асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг қамровда тилшунослар, луғатшунослар ҳамда турли соҳа вакилларининг диққат марказида бўлди. Бу борада собиқ иттифоқ тилшунослари томонидан 1959, 1961, 1967, 1969, 1970, 1974 йилларда терминологиянинг турли масалаларига бағишланган илмий конференция ва симпозиумларни алоҳида таъкидлаш

лозим<sup>1</sup>. Собик иттифоқ таркибидаги миллий республикалар тиллари терминология масалалари ҳам кенг қамровда ўрганилган<sup>2</sup>.

Чет эл лингвистик, лексикографик манбаларидан терминология масалалари асосан амалий нуқтайи назардан ўрганилганлигига гувоҳ бўламиз. Баъзи маълумотларга қараганда, XVIII асрдан бошлаб луғатларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, турли илм соҳалари сўзлари ҳам киритила бошланган. Масалан, К.В.Пиоттхнинг таъкидлашича, 1961 йилда чоп этилган “Chambers's twentieth century dictionary of the English language” луғатида сиёсат (denationalization), тиббиёт (cancer), фан (bacteriology, logic), топонимлар (Brazil, Atlantic), спорт (curling, Olympiad), санъат (art, impressionism), байрамлар номлари (Halloween, Thanksgiving Day), мифлар (Hel, Nothern Mythology, the Goddes of the Head)<sup>3</sup> каби терминлар киритила бошланди. Терминларни лингвистик нуқтайи назардан таҳлил қилиш, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ғарб тилшунослигида ҳам асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг қамровда ўрганилиб келмоқда<sup>4</sup>.

Тадқиқотимизнинг олдида қўйилган мақсадидан келиб чиқиб “термин” сўзининг мазмун моҳиятини очиш борасида кўплаб илмий мушоҳадалар, тортишувлар, фикрлар, ранг-баранглигини инобатга олиб<sup>5</sup>, биз бу масалани аторофлича муҳокама қилмаган ҳолда сўнгги пайтларда тилшунослар томонидан эътироф этиб келинаётган “термин” тушунчасининг қуйидаги хос томонларига эътиборимизни қаратишни лозим деб топдик:

---

<sup>1</sup>Қаранг: “Вопросы терминологии” тўплам, Москва 1961; “Современные проблемы терминологии в науке и технике”, Ленинград 1969; “Лингвистические проблемы научно-технической терминологии”, Москва 1970; “Проблемы языка наука и техники”, Москва 1970; “Терминология и норма”, Москва 1972; “Проблематика определений терминов в словарях разных типов”, Ленинград 1976;

<sup>2</sup>Қаранг: Ақобиров С.Ф. Тил ва терминология, Тошкент, 1968. Хаютин А.Д. “Термин, терминология, номенклатура” – Самарқанд 1971. Н.А.Баскаков “Этногрфическая лексика и терминология в национально-русских словарях (на материале Тюркских языках)”; М.Ш.Гасымов. Терминологическая работа в Азербайджанской ССР; А.А.Магомедов. Терминологическая лексика в кубачинско-русском словаре; Б.О.Орузбоева Терминологическая работа в Киргизской ССР; “Проблематика определений терминов в словарях разных типов”, тўплам, Ленинград 1976;

<sup>3</sup> Қаранг: Пиоттх, К. В. Из истории развития английской лексикографии (лексикографический анализ словаря Chambers's Twentieth Century Dictionary of the English Language printed in 1901, reprinted in 1911. Edinburgh: W. & R. Chambers). Новосибирский государственный технический университет, 2017.

<sup>4</sup> Augustus J. The Evolution of English Lexicography / J. Augustus, H. Murray. – Mode of access: <http://www.blackmask.com/thatway/books150c/evlex>. Erdman P. A Brief History of the English Lexicography / P. Erdman, See-Young Cho. – Mode of access: <http://angli02.kgw.tu-berlin.de>. Jackson H. Lexicography / H. Jackson // An Introduction. – Routledge, 2002.

<sup>5</sup> Қаранг: Реформацкий А.А. Что такое термин и терминология? Вопросы терминологии, Москва 1961. Даниленко В.П. Вопросы терминологии – Москва. Опыт лингвистического описания, Москва 1977. Хожиев А. Термин танлаш мезонлари. Тошкент 1996. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тошкент 2017; ва бошқалар.

**Биринчидан**, термин махсус сўз бўлиб, шахслар томонидан ўйлаб топилиб, янги ясалган ёки тилдаги мавжуд сўз маъносини чеклаштириб, хослаштирилган тил бирлигидир.

**Иккинчидан**, терминлар маълум илм-фан, техника соҳаларига тааллуқли махсус илмий тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир.

**Учинчидан**, терминлар бир-бирига мантиқий боғланган терминологик тизимнинг майдонини ташкил қилади. Майдон тизими эса ўзаро боғлиқ бўлган қуйи таг тизимлардан иборат.

**Тўртинчидан**, ҳар қандай термин дефиниция қилиниши, изоҳланиши, белгиланиши, яъни, термин маъноси аниқлаштирилиши талаб этилади, маълум реалаяга, тушунчага тушунтириш берилади.

**Бешинчидан**, терминлар кундалик сўзлардан фарқли, одатда моносем бирликлардир. Кўп маъноли (полисем) терминлар чалкашликка олиб келиши мумкин.

**Олтинчидан**, термин тилнинг (тилшуносликнинг) ўзига хос бўлган тил бирлиги мақомига эга бўлиши билан бир қаторда, у бетакрор ахборот берувчи, қимматли тарихий манба ҳамдир.

**Еттинчидан**, термин аббревиатура, символ (рамз, белги) сифатида математика, химия, астрономия ва бошқа кўп соҳаларда қўлланилади.

Демак, ҳар қандай соҳа термини лингвистик параметрлари, шакл-шамойилига кўра оддий сўз ва сўз бирлигидан фарқланмайди. Фақат у ўзига хос маъно англатувчи бирликдир. Термин муайян фан соҳасидаги тушунчани ифодалаш мақсадида махсус шакллантирилади. Терминнинг ушбу хусусияти уни умумистеъмолдаги сўзлардан фарқлантиради. Чунки у тилнинг чегараланган қатламига тааллуқли бўлган лексик, фразеологик бирликдир. Терминнинг айнан ушбу чегараланган фан соҳасида истефода этилиши уни умумистеъмолдаги сўзлардан фарқлашда асосий мезон ҳисобланади.

Термин тушунчасига берилган таъриф ва таснифлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу ноёб тил бирлиги қайси луғатлар сўзлиги таркибидан қай тарзда ўрин олиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритсак. Албатта, биринчи ўринда терминлар соҳа терминологик луғатлари объекти бўлишлиги мақсадга мувофиқ. Чунки, бундай луғатлар ҳар қандай соҳа терминларини, уларга тааллуқли бўлган тушунчаларни жамловчи, изоҳловчи илмий-амалий манба ҳисобланади. Улар сўзлигини сон ва сифат кўрсаткичи луғатнинг мақсад-вазифасидан келиб чиқиб шакллантирилади. Аксарият луғатга олинган терминлар соҳа илмий-амалий “дунёси” билан боғлиқ бўлади. Терминлар маъно-мазмуни кенг, чуқур дефиниция қилинади, яъни, атрофлича изоҳланади.

Ушбу ўринда энциклопедик луғатлар сўзлиги терминологик луғатлар сўзлигига ўхшаб кетсада, уларда бир қатор фарқлар мавжуд. Биринчидан, энциклопедик луғатнинг мақсад-вазифаси ўзгача<sup>6</sup>. Иккинчидан, терминларнинг энциклопедик луғатлардаги дефиницияси билан филологик луғатлардаги дефиницияси ўртасида фарқ бор. Терминологик луғатларда

<sup>6</sup> Луғатлар типологияси академик Л.В.Щербанинг “Опыт общей теории лексикографии” мақоласида атрофлича ёритилган. Қаранг: Щерба Л. В. Избранные работы по языкознанию и фонетике / отв. ред. М. И. Матусевич; Ленингр. гос. ун-т им. А. А. Жданова. — Л. : Изд-во Ленигр. ун-та, 1958 — Т. 1. — 1958. — 68 бет.

асосий эътибор терминларнинг илмий мазмун-моҳиятини кенг очишга қаратилса, энциклопедик луғатлардан турли омма вакиллари фойдаланиши мумкинлиги сабабли, терминлар изоҳи соддарок кўринишда, кенг оммага тушунарли тарзда берилади.

Демак, луғатлар орасидаги фарқ терминлар билан боғлиқ бўлган уч асосий мантиқий-лингвистик тушунчаларни қай тарзда амалга ошиши билан боғлиқ экан. Булар “*тушунча*”, “*изоҳ*” ва “*дефиниция*” масалаларидир.

“Тушунча” сўзи фалсафий-мантиқий категория бўлиб, бизни ўраб турган олам нарса ва ҳодисаларини умумлаштириб акс эттирувчи, фикран ясалган тасаввур, тафаккур шаклидир, ушбу таъриф орқали биз тушунча мазмунини очган ҳолда унинг асосий белги-хусусиятига эътибор қаратамиз. Бу эса тушунча ва изоҳнинг қай тарзда бизни ўраб турган дунё билан боғлиқлигимизни кўрсатади.

“Изоҳ” сўзи “дефиниция” сўзидан кўра кенгроқ тушунча бўлиб, баъзи ўринларда улар синоним сўзлар сифатида қўлланилса ҳам, улар орасида маълум фарқ бор. Изоҳ одатда кенг, ҳар тарафлама тушунтириш беради, шарҳ тўлиқ бўлади, бошқача айтадиган бўлсак, нисбатан аниқ бўлади.

“Дефиниция” сўзи лотинча “*definitio*” сўзидан олинган бўлиб, бирор бир тушунчани изоҳланиши маъносини беради. “Дефиниция” қисқа ва лўндалиги билан нарса ҳодисаларга хос энг муҳим белгиларини акс эттирувчи илмий таърифдир. Лекин, кундалик қўлланишда дефиниция қулайлик берсада, илмийлик нуктайи назардан бир қатор камчиликлардан холи эмас.

#### Хулоса

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қисқача хулоса қилсак, терминлар ҳар қандай тил луғат таркибининг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар сўз ва сўз бирликларидан ташкил топган ҳолда, кундалик сўз ва турғун сўз бирикмалари каби лингвистик парадигмаларга эга бўлиб, бир қатор семантик функционал хусусиятларга ҳам эгадир. Улар барча ҳолатларда изоҳ, дефиниция қилиниши талаб этилади. Шу нуктайи назардан турли энциклопедик, филологик, терминологик луғатлар сўзлиги таркибига олинган терминлар турлича изоҳланиши, дефиниция қилиниши лозим. Ушбу ҳолат луғатларнинг олдига қўйган мақсад-вазифалари асосида амалга оширилади. Дарвоқе, энциклопедик луғат билан филологик луғатнинг бир томондан, энциклопедик луғатнинг терминологик луғат билан иккинчи томондан, учинчи томондан филологик ва терминологик луғатлар сўзлигининг сон ва сифат кўрсаткичлари бир хил эмас. Улар сўзлигини шакллантиришда терминлар “дунёси”ни очиб беришда турлича ёндашув талаб этилади.

#### Адабиётлар:

1. Хаяутин А.Д. “Термин, терминология, номенклатура” – Самарқанд 1971.
2. Н.А.Баскаков “Этногрфическая лексика и терминология в национально-русских словарях (на материале Тюркских языках)”;
3. Б.О.Орузбоева Терминологическая работа в Киргизской ССР; “Проблематика определений терминов в словарях разных типов”, тўплам, Ленинград 1976;
4. Пиоттух, К. В. Из истории развития английской лексикографии (лексикографический анализ словаря Chambers’s Twentieth Century Dictionary of the English Language printed in 1901, reprinted in 1911. Edinburgh: W. & R. Chambers). Новосибирский государственный технический университет, 2017.

5. Augustus J. The Evolution of English Lexicography / J. Augustus, H. Murray. – Mode of access: <http://www.blackmask.com/thatway/books150c/evlex>.
6. Erdman P. A Brief History of the English Lexicography / P. Erdman, See-Young Cho. – Mode of access: <http://angli02.kgw.tu-berlin.de>.